ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00199

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТИББИЙ АҲВОЛ (ЎЗМА ҲУЖЖАТЛАРИ АСОСИДА)

Жонибек Шодиевич Бўтаев
ЎзМУ Тарих факультети таянч докторанти
mr.butayev@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд вилояти тиббий аҳволи ҳақида сўз юритилиб, Россия томонидан вилоят истило қилингач барча соҳаларда бўлгани сингари тиббиёт тизимида ҳам бир қатор ўзгаришлар содир бўлганлиги, маҳаллий аҳолининг халқ табобатидан ташқари замонавий тиббиёт ютуқлардан фойдалана бошлагани, ўша даврдаги санитарик ва эпидемиологик аҳвол, шифохоналар фаолияти ва аҳволи, тиббий мутахассислар таркиби ва уларга мурожаат қилганлар сонлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган. Шунингдек, вилоят Зарафшон округи деб аталган даврда аҳолининг рус тиббий хизматидан фойдаланиш даражаси, тиббиёт вакиллари таркиби ва фаолияти, уларга ажратилган йиллик маблағлар архив манбалари ва статистик ҳисоботлар орқали таҳлил қилиб чиқилган. Округ кейинчалик вилоятга айлантирилгач, тиббиёт тизимида ўтказилган ислоҳотлар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда вилоятдаги дорихоналар фаолияти статистик рақамлар орқали ўлканинг бошқа вилоятлари билан таққосланиб баҳо берилган.

Калит сўзлар: округ, терапевтик, фармацевт, жарроҳ, фельдшер, ветеринар, доя, дорихона, табобат, акушер, амбулатория, эмлаш.

MEDICAL SITUATION IN SAMARKAND REGION IN THE SECOND HALF OF XIX CENTURY (ON THE BASIS OF DOCUMENTS OF THE NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN)

Jonibek Shodiyevich Butaev
Doctoral Student of the Faculty of History of National University of Uzbekistan
mr.butayev@mail.ru

ABSTRACT

The article discusses the medical situation in the Samarkand region in the second half of the XIX century. information on the activities and condition of hospitals, the composition of medical professionals and the number of people who applied to them. Also, the level of access to Russian medical services, the composition and activities of medical representatives, the annual funds allocated to them during the so-called Zarafshan district of the region were analyzed through archival sources and statistical reports. Later, when the district was transformed into a province, the reforms in the medical system and their content, as well as the activities of pharmacies in the region were evaluated in statistical figures in comparison with other regions of the country.

Keywords: county, therapist, pharmacist, surgeon, paramedic, veterinarian, milking, pharmacy, medicine, obstetrician, outpatient, vaccination.